

Қурбон бўлганларнинг яқинларига моддий-маънавий тасалли берилди



13:45 / 01 апрель 616

Бугун, 1 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Андижон вилояти Избоскан туманидаги баҳтсиз ҳодиса рўй берган “Аҳмадали ҳожи” жоме масжидини мутасаддилар иштирокида кўздан кечирдилар. Воқеа туфайли таъзияли бўлган хонадонларга ҳамдардлик билдирилар. Қуръони карим оятлари ўқилиб, марҳумлар ҳақига бағишланди.

Сўнгги маълумотларга кўра, [31 март куни](#) масжид таҳоратхонасида газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши оқибатида бир неча фуқаро ҳалок бўлиб, 10 киши турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган. Ҳодиса натижасида таҳоратхона девор ва том қисмига зарар етган, ёнғин содир бўлмаган.

Муфтий ҳазратлари бошчилигидаги уламолар вафот этганларнинг жаноза намозларида, маърака-маросимларида ҳақларига дуолар қилишди. Марҳумларнинг яқинларига моддий-маънавий тасалли берилди. Тан жароҳати олиб, шифохоналарда муолажа олаётганларга тез фурсатда соғайиб кетишлигини тиланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига моддий ёрдамлар берилди. Шу билан бирга, амалдаги

қонунчилликка асосан моддий ёрдам пуллари ҳам тўлаш назарда тутилган.
Масжиднинг талафот кўрган қисмини қайта тиклаш ишлари учун ҳам
белгиланган тартибда маблағлар ажратилади.